1991 йил 1 январдан чика бошлаган

<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

19 феврал шанба

Сотувда эркин нархда Nº 36 (2333)

Ислом КАРИМОВ.

Токи, хар бир дехкон ўз мехнатининг сифати ва самарадорлигига яраша хак олишига, рагбатлантирилишига ишонч хосил килмас экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда хеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб

Олий Мажлисда мулокот

КОНУНЧИЛИКДА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўтказилган сиёсий сохада ислохотларни хаётга татбик этишнинг хукукий асосларини яратиш масалаларига бағишланған "давра суҳбати" нихоясига етди

Олий Мажлис Раиси уринбосари Б.Бугров Кигилганлар эътиборини парламентимиз олдида турган долзарб вазифаларга қаратди. Бинобарин, амалдаги қонунларимизнинг хаётийлигини таъминлаш, давр талаблари асосида уларга ўзгартишлар киритиш, ижтимоий-сиёсий. иқтисодий ва маънавий сохаларда мамлакатимиз келажаги ва равнаки учун асосий восита бўладиган янги қонунларни қабул

қилиш зарур. Маълумки, янги қонунларнинг қабул қилиниши, уларнинг хаётга татбик этилишида оммавий ахборот воситаларининг алохида ўрни бор. Хўш, бугунги кунда журналистлик фаолияти билан боглик қонунлар амалда қандай бажариляпти? Ана шу мавзуга бағишланган "давра суҳбати"да иштирок этган республика газета ва журналларининг бош

мухаррирлари ўз нашрларининг бугунги хаётимизда тутган ўрни ҳамда вазифалари ҳақида гапирдилар. Айни пайтда мавжуд муаммолар ўртага ташланди, бу борадаги амалдаги қонунларнинг ҳолати тахлил килинди.

Мулокотда иштирок этган Олий Мажлис Раиси ўринбосари Ф. Мухиддинова қонунларимизнинг ижросини таъминлаш ва янада мукаммаллаштиришда оммавий ахборот воситалари мухим ўрин тутишини, улар фаолиятини янада такомиллаштириш давр талаби эканини алохида таъкидлади.

Икки кун давом этган анжуманда тараққиётимизнинг устувор йўналишлари, яқин келажак учун белгиланган вазифаларга доир кўпдан-кўп таклифлар, мулохазалар айтилди. Уртага ташланган муаммолар хусусидаги фикрлар эркин ва очиқ баён қилинганлиги эътиборга сазовор. Сухбат сўнггида унинг қатнашчилари бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш айни муддао эканлигини кайд этлилар

м. БОТИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

и. КАРИМОВ



ХОТИРА МАЙДОНИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОКДА



Утганларни хотирлаш — тирикларнинг бурчи. Уларга ёдгорлик ўрнатиш, қабрларини обод қилиб, рухларини шод этиш эса эзгу ишдир. Мана шундай инсоний фазилатлар ўзбек халқига ота-боболардан мерос. Шу боис хам Мустақилликка эришганимиздан сўнг улуг аждодларимизнинг номлари қайта тикланиб, таваллуд кунлари халқаро миқёсда байрам қилинмоқда, қабрлари обод этилиб, муқаддас қадамжоларга айланяпти. Хозир республикамизнинг барча вилоят, шахар ва туманларида ўтганларни хотирлаш мақсадида ташкил этилган бир неча ўнлаб мана шундай қадамжолар мавжуд.

Тошкент шахрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув мавзесида хам ана шундай хайрли ишга қўл урилди. Бу ерда шўролар даврида

ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА

ТАШАББУСКОРЛИК -

катагон килинган ватандошларимизга бағишлаб хотира майдони бунёд этиш ишлари қизғин давом этмоқда. Айни пайтда ёдгорлик ўрнатиш, унинг атрофида бог ва фавворалар барпо этиш ишларини «Паркентводстрой» трестига қарашли 1, 2, 5-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари олиб боришаяпти. Улар хотира майдони комплексини 9 майга қадар қуриб битказиш учун астойдил мехнат килишмокдо

СУРАТЛАРДА: Бўзсув мавзесида тупрок ишлари амалга оширилмокда; тажрибали эксковаторчи (чапда) Нурали Шоюсупов участка мастери Саидваққос Молдакулов билан; ҳайдовчи Мухаммаджон Хамрокулов.

н. мухаммаджонов

олган суратлар.

ВАЗИФАЛАР

Республика Хотин-кизлар қумитаси раёсатининг йигилиши бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қумитаси раиси Д. Гуломова бошкарган ушбу йигилишла Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ бинутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида оналик ва болаликни химоялашни янада кучайтириш, хотинқизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш масалалари му-

хокама этилли.

Йигилишда қишлоққа саноатни олиб кириш, хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш ниятида бўлган аёлларни кўллабқувватлаш, кичик ва ўрта бизнес хамда тадбиркорликни ривожлантириш хисобига хотин-қизларни иш билан таъминлашни яхшилаш, хотин-қизлар қумиталарининг бу борадаги ташаббускорлигини ошириш зарурлигига алохида эътибор қаратилди. Соглом авлод йилида хотин-қизлар қумиталари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар белгилан-

3. УСМОНОВА

Термизда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг 1999 йил якунлари, иктисодий ислохотларнинг боришини бахолаш, давлатимиз рахбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясида хамда Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чикади-

ган устувор вазифаларга багишланган семинар-кенгаш Йиғилишда сузга чиққан вилоят хокими Ж. Норалиев, Бош вазир ўринбосари, давбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қумитаси раиси У. Исмоилов вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муайян ютукларга эришилганини таъкидладилар. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқлари-

да сезиларли силжишта эри-

шилди, корхоналарнинг деби-

торлик ва кредиторлик қарз-

Шу билан бирга, кишлок хўжалигида ислохотларни амалга оширишда бир қанча камчиликлар мавжуд. Утган йили вилоят ғалла ва пахта тайёрлаш давлат режасини бажара олмади. Бу йил ҳам ғалла парвариши қониқарсиз ташкил этилмоқда. Дехкон-фермер хужаликлари риво жига гов бўлаётган сунъий тўсиклар бартараф этилмаяпти. Фермер хужаликларининг маблаглари эгаларига етиб бормаяпти, улар етиштирган махсулоти учун фойда ўрнига зарар кўраётганлиги холатлари мавжуд. Тадбиркорларнинг пулкредит олиши масалаларила турачилик, таъмагирлик, сансалорлик

холларига дуч келинмокда.

лари бирмунча камайди

ДАВР ТАЛАБИ Шуни хам айтиш керакки, вилоятда кўшма корхоналар бармоқ билан санарли. Бу борадаги ахволни ўнглаб олиш учун хорижлик сармоядорларни қушма корхоналар ташкил қилишга кенгроқ жалб этиш зарур. Урта ва кичик бизнес. хусусий тадбиркорликни ривожлантиришта хам жидди эътибор берилмаётир, Ижара муносабатларига ўтиш, шартнома мажбуриятларини бажариш борасида масъулиятни ошириш, ахоли зич яшайдиган жойларда янги иш ўринлари яратишда ҳам ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмаяпти

Чори ТЎХТАЕВ, УзА мухбири.

ФЕРМЕРНИНГ ТОПКИРЛИГИ

Сурхонлик Рахматулла Валиев Жарқургон тумани Ховдак даштидаги бир тепаликнинг оч кукимтир рангдаги тупрогидан даласига ташиб келтириб сочган эди, ғалласи барор олди. Барглари ямяшил бўлиб ривожга ўтирди. Мутахассислар ўша тупрок азот ва фосфор билан туйинганини билдирдилар.

— Биз Сариосиё туманидаги фосфорит қазишмасини ҳам била-

миз, — дейди Жаркургон тумани хокими Қорахон Хайитмуродов. — Сариосиёнинг фосфорити — дағал. Сувда эриши қийинроқ. Тоши куп. Ховдакники майин. Худди заводдан чиққандек донадор. Ховдак тупрогини экинзорларга ташиш Жарқургонда анча жа-

даллаштириб юборилди. Кундалик қишлоқ хужалик ишлари маълумотларига бу тадбирни алохида устун қилиб ҳам киритдилар. Бундан кейин табиий қазилма бойликларидан фойдаланиш тартибларини жорий этамиз. Бир оддий фермернинг топқирлиги самара келтиради деган умиддамиз, - дейди хоким.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси Марказий Осиёдаги энг нуфузли маърифат ўчокларилан хисобланади. Бу ерда жахон ва миллий адабиётнинг нодир намуналари, дунёнинг етмиш беш тилидаги нашрлар саклана-

Ушбу табаррук даргох Узбекистонда умуммаданий адабий меросни асраш бўйича Америка Кўшма Штатлари хукуматининг грантини қулга киритди. Мазкур грантда кутубхонани замонавий компьютер ускуналари, нусха кўчириш аппаратлари ва бошка техник воситалар билан жихозлаш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кутубхонанинг компьютер каталогини тузиш, Интернет орқали маълумотлар олиш имконияти яратилади.

Куни кеча ушбу грантни топшириш маросими булиб ўтди. Уни АКШнинг Узбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел такдим этди.

Узбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун жахонда ўзининг қадим обидалари, илмий, адабий ёдгорликлари билан машхур, - деди элчи жаноблари. - Чунончи, Навоий кутубхонаси ўша нодир мероснинг бир хазинабони. Мазкур грант бу ганжинада ишни ташкил этиш, ундан фойдаланувчилар учун қулай шартшароит яратишга хизмат килали.

Асқар ШОКИР, «Халқ сўзи» мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕК **ДЕХКОНИ**

бўлмайди.

фаровонлик йўлида истикболга ишонч билан интиляпти

Сохибкирон бобомиз Амир Темур «Тузуклари»да: «Ишларимнинг барисида аввал кенгаш-маслахат кўлладим... Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — дилдан чик-

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессия-

си мажлисларида, Ислохотлар ва инвестициялар буйича идоралараро мукенгаш хамда Вазирлар Махкамасининг 1999 йна якунларига бағишлапган йигилишида айнан «дилидан чиккан

гаплари» ни баён этдилар. Бу фикрлар, энг аввало, халкимиз, шу жуумладан, янги ўзбек дехкони хаётини тубдан ўзгартириш масалаларига қара-

Биз ишлатаёттан «янги ўзбек деҳқони» атамаси милмил бойиб кетган «янги руслар», «янги ўзбеклар» ибо-

раларидан бутунлай фарк килади. Янги ўзбек дехкони деб таърифланаёттан Рейимбой Йулдошев хакида мамлакатимиздаги катор оммавий ахборот воситаларида суз юритилган. Чунки Қорақалпо**гистонга**, шу жумладан, Беруний туманига ташриф буюрган қаламкашларга; «Рейимбой Иўлдошев ҳақида ёзинг. Рейимбой Иўлдошевнинг даласига боринг. Мўъжизани ўз кўзингиз билан кўринг!» — дейишади.

Хуш, Рейимбой Йулдошев ким узи? Унинг бошқалардан ажралиб турадиган қандай фазилатлари бор? У қандай қилиб беш-олти йил ичида Қорақалпогистондаги энг пешқадам, таниқли одамлардан бирига айланди?

Ерга мехр, ер қадрини хис қилиш унинг қонида бор. Болалигидан бошлаб ўз она қишлоги срласини дарё комига тортганини, экинзорлар, оромижон боглар бир сония ичида тўлкинлар қаърига ғарқ булганини куриб хар бир ховуч тупрокнинг олтин билан баробар эканли-

Рейимбой аканинг овулидагилар дарё хуружидан сўнт партов ва буз ерларга кучиб кетишди. Унинг хонадони эса Қизилқалъа қурғонига яқин жойдаги буз ерларни ватан қилди. Шундан буён, мана, бир неча ўн қовун пишиғи ўтибди. Кўчиб келганларида бу ерлар ярим тўқай, бутазор, тупроғи ҳаддан ортиқ шўрлаб кетган эди. Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, ернинг шурини пешонанинг тери билан ювишди. Бошка йўли йўк

Рейимбой Йулдошев уша оғир йилларда ҳам мул пахта етиштирди. Тиним билмай ишлади. «Баракалла» деб «большевикча» сига елкасига қоқишарди-ю, даромад тақсимланганида ҳамма қатори ҳақ оларди. Ҳа, бири

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса-да, ўн беши ёруг экан. Истиклол тушовларни ечиб юборди. Юртбошимиз аввал бошдан, кечаги йигиндагидек, Рейимбой акага ўхшаган мехнатга, ташаббусга ўч одамларга қарата даъваткор, катта ишларга ундайдиган, ишонч бахш этадиган сўзлар айтди.

Р. Йулдошев хукукий макомига кура фермер эмас: қишлоқ хужалиги махсулотлари етиштирувчи кичик корхона эгаси. Президентнинг биринчи даъватларидан кейиноқ туман рахбариятига ниятини айтди:

Кичик корхона очмокчиман. Хаммасини ўйлаб, режалаштириб қуйганман. Ижарага ер берсанглар булди: мендан махсулот олаверасизлар. Овулдагилар билан офтобда қатиқ ялашиб келяпмиз. Яна шунча фарзандларим, келинларим, невараларим, хуллас, катта ишчи кучи бор. Күйнимиздан түкилгани күнжимизга тушса, элга хам, ўзимизга хам фойда келтирсак!

Кичик корхона очилди. Уни расмийлаштириш, банкда хисоб раками белгилаш, бошка катор идораларнинг остоналарига бориш билан боғлиқ югур-югурларни Рейимбой ака эслаб ўтирмайди. Сабаби у табиатан жуда иродали, ушлаган жойидан «кесадиган», қатьиятли одам. Кўнгли очикнинг йўли очик, дейди халкимиз. Кичик корхона очилганидан буён у стиштирган пахтани бир жойга йигса, ишбилармоннинг даласидан куриниб турган Султонвайс тогидек яна бир тизма буй тиклаган

У энг нокулай келган йилларда хам давлатта пахта сотиш топширигини бир ярим баравар ошириб бажарди. Мўлжалдагидан уч баравар кўп пахта сотилган йиллар ҳам бўлди. Ўтган йилнинг якунлари ҳам чакки эмас. Давлатга 277 тонна пахта сотилди, 13 тонна ўрнига 22 тонна бугдой топширилди. Шоли хирмони хам салмокли бўлди. Йўлдошевдар оиласи бир қанча жихатлари билан олтиариклик тадбиркор Солижоновларга ўхшашади. Бу ерда тракторлар, кишлок хўжалиги механизмлари сони йил сайин купаймокда. Енгил автомашиналарнинг ўзи олтитага етди. Кичик корхонада йигирма нафардан ортик азамат тер тукаяпти. Хаммаси ўз мехнатидан мамнун, маошлари айрим қолоқ хужаликлардагидан ўн баравар кўп. Рейимбой ака ва Саодат опа ўғиллари, келинлари, невараларига маслахатгуй, холос. Дарвоке, хонадон катталашиб бормокда. Саодат ая «Келинлар қузғолони»даги Фармонбибининг холига тушмаслик учун ўз вақтида болаларига уй қуриб бераяпти. Уйларнинг томини бир вақтлари ўзлари эккан тераклар хисобига ёпишмокда. Минг туп тераклик дарахтзор нинг буйи чузилиб қолди. Яна 12 минг туп қаламча ўтказишган. Якин йилларда Йўлдошевлар саноатбоп терак етиштиришда Қорақалпогистонда пешқадам були

Оролбуйида Рейимбой Йулдошевнинг издошлари кўпаймокда. Тўрткўлдан Сержоновлар, Тахтакўпирлан Палмоновлар худли Рейимбой акадек иш тутиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

 Шу пайтгача ёмон ишламадик. Хисоб ракамимизда ҳамиша пулимиз бор. Қулимизии ҳаерга чузсак, стади, - дейди тиришқоқ тадбиркор, Узбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Рейимбой Йўлдошев. - Аммо халқимизда «Елгиз отнинг чанги чикмас, чанги чикса хам донғи чиқмас», деган гап бор. Сафимизда бели бақувват дехконлар хали озчилик. Президентимизнинг Вазирлар Махкамаси йигилишида куйиниб айтган гапларидан сўнг истиқболимизга бўлган ишончимиз янада ортди. Сафимиз янада кенгайишига шубҳа йўқ.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.Х.Кодировни Узбекистон

Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўгрисида

Узбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва "Узбекистон Республикаси Прокуратураси тўгрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ: Рашитжон Хамидович Кодиров Узбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шахри.

2000 йил 18 феврал.

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У. Ч. Худойкуловни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод килиш тўгрисида Усмон Чинозович Худойкулов Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурори вазифасидан берган аризасига биноан озод

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шахри, 2000 йил 18 феврал.



Халқимизнинг асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга катта эъзоз билан ўтиб келаётган удумлари, қадриятлари ва ахлоқ-одоб қоидалари жуда кўп. Ана шундай қадриятларимиздан бири, бу — эл ризкини асраб-авайлаш хислатидир. Ризқ — инсоннинг насибаси, халқимиз дастурхонининг мўлкўлчилигидир. Шу туфайли хам ота-боболаримиз эл ризкини хеч качон топтамасликка ундаб-келганлар.

Афсуски, баъзи кимсалар аждодларимизнинг мана шу олтиндан хам киммат удумини унутиб қўяётир, жойларда қишлоқ хўжалиги экинларини пайхон қилиш ҳоллари руй бермоқда.

<u> ХАЛҚ РИЗҚИ</u> ТОПТАЛМАСИН

Узбекистон Республика- ган. Ушбу қонунбузарлик си Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 12 январдаги «Экинларнинг пайхон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўгрисида»ги қарори хуқуқжаримага тортилди. тартибот идораларини бундай холатларга қарши кескин кураш олиб боришта

даъват этади. Самарқанд вилоятида ҳам хуқуқ-тартибот идоралари хамкорликда экинларни пайхон қилиш билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича жиддий чора-тадбирларни кўрмокдалар. Фукаро Сафаров Ахтам ўзининг 4 бош қорамолини қаровсиз қолдирганлиги оқибатида Каттақўргон туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг 24-бригадасида гуркираб ўсиб турган галла пайкалини пайхон килиб,

хўжаликка 3.200 сўм мик-

учун унинг бир бош қорамоли қишлоқ фукаролар йиғинининг қарорига биноан мусодара қилинди. Узи эса туман суди томонидан

Фукаро Н. Иброхимов 32 бош қуйини Қушработ туманидаги Эргаш Жуманбулбул ўгли номли ижара хўжалигининг 3 гектар майдондаги ғаллазорларига қуйиб юборган. Натижада хўжаликка 31.762 сўм зарар етказилган.

Фукаро Х. Кобилов Пайариқ туманидаги «Дўстлик» ижара хўжалигининг 2,5 гектар майдонидаги бугдойзорда қуйларини боқиб, экинни пайхон қилганлиги оқибатида хужалик 30 минг сўм зарар кўрди.

Тегишли туман судлари бу холатларни Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги дорида моддий зарар етказ- Кодексининг 104-моддаси рарни тўла қоплаганликла-

талаблари асосида объектив бахолаб, хукукбузарликни содир этган мазкур шахсларга нисбатан қатъий жазолар қулладилар.

Шунингдек, фукаро Б. Рустамов ўзининг ва бошқаларнинг 31 бош қорамоли ва қуйларини Нуробод туманидаги «Хилола» дехкон хужалигининг 10 гектарлик масхар униб чиққан ер майдонига қуйиб юборган, бунинг оқибатида дехкон хўжалигига 164 минг сўм зарар етказган. Мазкур холат буйича Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддаси 3қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман суди томонидан 5 та шахсга нисбатан 3 йилдан озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланиб, факатгина уларнинг ўз қилмишларидан пушаймонликлари, тавба-та-

заррулари ва етказилган за-

ри инобатга олиниб, тайинланган жазони ўташдан озод этилдилар.

Хар бир фукаронинг энг гўзал фазилатларидан бири ватанпарварликдир. Ватанпарварлик эса, жумладан, элпарварликда, унинг ризқ-рўзини топтамасликда намоён бўлади.

Шундай экан, хар биримиз халкимизнинг насибаси бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари пайхон бўлишининг олдини олиш чораларини кўриб, эл ризкининг топталишига, унинг чорва моллари туёкларининг остида янчилиб, транспорт воситалари гилдираклари тагида эзилиб йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Кўчкор ТОГАЕВ, бошлиги

Самарканд вилоят ХОКИМЛИГИ адлия бошқармасининг

Бошқарма Вазирлар Мах-

камасининг «1999-2001 йил-

ларда Хоразм вилоятила бо-

зор ислохотларини чукурлаш-

тириш ва ижтимоий-иқтисо-

дий ривожлантиришни жа-

даллаштириш дастури тўгри-

сида»ги қарорининг бажари-

лиши юзасидан мониторинг

ўтказишла фаоллик кўрсатли.

Бунинг натижасида жойлар-

да белгиланган вазифалар-

нинг бажарилиши, хусусан,

қушма корхоналар бунёд

этиш, чет эл инвестицияла-

рини жалб этиш юзасидан

мавжуд камчилик ва нуксон-

лар ҳам аниҳланди. Айрим

ташкилотларнинг рахбарлари

меъёрий хужжатларни тайёр-

йўл қўяётганлиги, корхона-

ларнинг молиявий ахволини

аниқ ҳисоб-китоб қилмасдан,

ишлаб чиқарилаёттан махсулот

бозорини ўрганмасдан иш

кўраётганлиги маълум бўлди.

садорлик жамиятида айнан

шундай иш тутилган. У Ита-

лиянинг «Новолейзина инжи-

ниринг» компаниясидан пах-

та толасини қайта ишловчи

ип-йигирув фабрикаси учун

дастгохлар сотиб олишни ре-

жалаштирган. Лекин ҳалига-

ча бунинг уддасидан чика ол-

маяпти. Тумандаги ягона кор-

хона ҳам шу тариҳа аро йўлда

ҳа»нинг ўз имкониятлари да-

ражасидаги лойихасини иш-

лаб чиқишга кўмаклашдилар.

«Текспроект» фирмаси билан

хамкорликда бунёд этилиши

мўлжалланган «Хоразм-текс-

тиль» корхонаси ҳам Янги-

ариқ тумани учун мухим

ахамиятга эга бўлиши турган

гап. Аммо туманда бу борада

олиб борилаёттан тадбирлар

талаблардан орқада қолмоқ-

да. Бошқарма аралашуви би-

лан ишлар ўрнидан силжиди.

Уларни жалаллаштириш им-

бошқармаси ходимлари вило-

ятда хорижий сармояларни

жалб килиш хисобига инвес-

тиция лойихалари устида иш-

лаш имкониятига эга бўлган

Инвестиция дастурлари

кониятлари тугилли.

Германиянинг

Бошқарма ходимлари «Во-

Янгибозордаги «Воха» хис-

лашда хато ва нуксонларга

Эркинлаштириш — хаётий зарурат

Бу Хоразм вилояти и к тисодиётидаги янгиланишлар, ислохотларнинг самараларидан дарак берувчи биргина вокеа, холос. Энг мухими, бундай натижалар тобора кўпайиб, барқарорлашиб бормоқда.

Урганчдаги «Даритал» қушма корхонаси фаолиятини олиб кўрайлик. Унинг ишга тушганига хали кўп вакт бўлгани йўк. Аммо хозирданок вилоят иктисодиёти ривожига сезиларли таъсир курсата бошлади.

Энг замонавий ускуналарни мохирлик билан бошқараёттан пойабзалчилар дастлабки махсулотлар туркумини хорижлик харидорларга жўнатишга аллақачон улгуришди. Бунинг натижасида улар 70 минг АҚШ долларидан зиёд валюта ишлаб топишди. Хозирча камтарона бу ракам бир неча бараварлаб ўсишига умид

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хазораспдаги шакар заводи, Шовотдаги «Семург-Сан-Те» терини қайта ишлаш күшма корхонаси, дон махсулотлари корхонаси, «Хонқа-Шуя» қўшма корхонаси ёки Урганч экскаватор таъмирлаш заводини айтасизми... Барида рахбар-ташкилотчиларнинг, мохир мутахассислар ҳамда ишчихизматчиларнинг ташаббускорлиги, фаоллиги намоён. Қолаверса, вилоятда иктисодиётни ривожлантириш, хусусан, қўшма корхоналар бунёд этиш борасидаги тадбирларда инвестиция дастурлари бошқармасининг ҳам ҳиссаси бор.

Вилоят инвестиция дастурлари бошқармаси рахбари Рустам Самандаров билан сухбатимизда асосий эътибор, табиийки, Президентимизнинг Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиклаштирувчи кенгаш йигилишидаги дастурий маърузасилан хамла мазкур Кенгашнинг «Эркинлаштириш ва Узбекисларни янада чукурлаштириш бўйича чора-тадбирлар хакила»ги карорилан келиб чикадиган вазифаларга қаратилди. У иш столи устида турган газе-

Айтайлик, самолётда олис хорижий мамлакатга учиб кетяпсиз. Мунис хаёллар хамрохингиз. Шу пайт стюардессалар йўловчиларга тансик озик-овкату чанковбосди ичимликлар улаша бошлайди. Яхшилаб разм солсангиз, улар орасида ўзингиз яшаётган жойда тайёрланган шарбатлар хам бор...

Инвестиция дастурлари бошкармаси ходимлари билан булган сухбатдан олдин шу хуш холатни бир тасаввур килиб олдик. Чунки салом-аликдан кейин гап беихтиёр «хушхабар»га уланиб кетди. Хонкадаги «Мева» кушма корхонаси «Узбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ўз махсулотларини етказиб бериш тўгрисида шартнома имзолабди. Дастлабки 30 минг шиша олма ва сабзи шарбатлари буюртмачига жунатилибди.

таларнинг юқоридаги тарихий хужжатлар эълон қилинган сонларига ишора қиларкан, шундай деди:

Маърузада кўтарилган масалаларни таъриф-тавсиф қилиб охирига етказиш қийин. Энг мухими, гап уларни дилдан укиб олиб, амалга оширишда ташаббускорлик, фидокорлик кўрсатишда. Керак жойда уқмаганга бир-бир **УКТИРИШДа.**

Юртбошимиз иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаб айтган «ташаббус» деган хикматли сўзнинг маъно-мохиятини бугун яна бир бор юракдан ўтказиб олишимиз керак.

Вилоятимизда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида анча-мунча тадбирлар кўрилмокда. Аммо бугун ким ўз ишилан каноатланса, эртага муродига етолмайди. Бугун, ифодали қилиб айтганда, биз, кўпчилик, давр билан ҳамҳадам эмас, унинг изидан югуриб бораётганга ўхшаймиз. Буни унутмайлик.

Камчиликлар, муаммолар,

хал этилмаган масалалар хам етарли. Юртбошимиз куюниб айтаёттан барча сусткашликлар, қолоқликлар, уқувсизликлар айни ҳақиқат. Айниқса, айрим рахбарлардаги мушохада саёзлиги унинг кимлигидан дарак беради. Масалан, бир хиссадорлик жамияти рахбарлари хорижий фирманинг кимматбахо ускуналарига харидор бўлишибди. Шу ҳақда шартнома имзолашга киришибди. Биз, албатта, корхоналарнинг ички ишларига аралашмаймиз. Лекин шу фирманинг рахбарига «Эй, инсон, шошилманг. Худди шу ускуналарни бошқа бир фирмадан бир неча баробар арзон нархда сотиб олишингиз мумкин. Бунда биз сизга ёрдам кўрсатамиз. Катта қарз олиб, эртага тўлай олмай колсангиз, нима бўлатонда амалга оширилаёт- ди?» деб айтдик. Улар билан ган иқтисодий ислохот- ҳамкорлик ҳилиб, ёрдам

кўрсатиш ниятидамиз. Вилоятнинг бир қатор туманлари, хусусан, Қушкупир, Янгибозор, Янгиарикда шу пайтгача кўзга кўринарли саноат иншоотлари, хусусан,

қушма корхоналар йуқлиги бизни ташвишлантирмайди лейсизми? Уларнинг махаллий худудларига, иктисодий имкониятларига мос корхоналар бунёд этиш учун ишлар олиб бориляпти.

Бошқарма рахбари иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини хам билдирди.

 Жойларда инвесторлар, янги технологиялар, асбобускуналар тўгрисида маълумотлар базаси етарли эмас, деб ўйлайман. Шу сабабли, бу борада ахборот марказларини ташкил этиш фойдадан холи эмас.

Эхтимол, инвестицияни жалб қилиш борасидаги муайян масалалар ечимини жойларда ҳал этиш ҳам мақсадга мувофикдир. Қолаверса, лизинг бўйича асбоб-ускуналар олиш жараёнлари ихчамлаштирилса ва соддалаштирилса ёмон бўлмас эди.

Инвестиция дастурлари бошкармаси ходимлари кўпчилик эмас. Атиги етти киши. Аммо улар бугунги куннинг гоят мухим масалалари юзасидан изланиш ва ўрганиш, синов ўтказиш тадбирларини, амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ўз зиммаларига олишган. Хар ҳафта, ҳар ой ўтказилаёттан йигилишларда уларнинг ахборотлари, жойлардаги ишларнинг тахлили тинглаб борилаётганлиги хам катта эътибору масъулиятдан дарак.

Инвестиция дастурлари бошқармаси вилоят иқтисодиётига хорижий инвестициялар кириб келиши учун шароит яратишга, корхона ва ташкилотларнинг ташки иктисодий алокалар сохасидаги фаолиятини ривожлантиришга, экспорт имкониятларини шакллантиришга, махсулотларни хорижга сотишга кўмаклашади. У хўжалик ҳисобида бўлганлиги сабабли, бюджет маблагларига дахл этмайди. Шунингдек, корхоналарнинг фаолиятига аралашмайди, балки уларга ўзининг хизматларини тавсия

корхоналарни атрофлича ўрганиб чиқишди. Бунинг натижасида иктисодиёти барқарор, етарли базаларга эга бўлган 47 та корхона, ташкилот ҳамда хўжалик аникланди.

Айтайлик, Урганч туманидаги «Хоразм асал» ишлаб чиқариш бирлашмасига ўз махсулотини пластик идишларга қадоқлаб экспорт қилишга нима халақит беради? Бунинг учун унинг иктисодий куввати етмайди ёки ишлаб чиқариш майдонлари етарли эмас, дейиш қийин. Қолаверса, бунинг юзасидан ишлар олиб борилган ва кейинги даврда ташлаб қўйилган. Энди гап фақат рахбарларнинг ташаббускорлиги ва тад-

биркорлигига боглик. Кўшкўпирда хам чет эл инвестицияларини жалб этиш юзасидан ишлар суст олиб борилмокда. Шу пайтгача туманда бу борада жиддий ишга киришилгани йўқ. Масалан, «Кўшкўпир пахта тозалаш» хиссадорлик жамиятида 1995 йилда бошланган ип-калава ишлаб чиқариш фабрикаси қурилиши чала ётибди.

«Миркозим» хусусий фирмасининг кишлок хўжалик махсулотларини кайта ишловчи консерва заводи эса мавсумий ишлайди. Иқтисодий барқарор бу фирманинг 450 квадрат метр ишлаб чиқариш майдони бўш турибди. Ички ва ташки мухандислик иншоотлари хам мавжуд. Консерва заводини мунтазам ишлатиш ва унинг кувватини ошириш жуда мухим.

Бошқарма ходимлари юқоридаги корхона ва ташкилотларга ўзларининг ёрдамларини тавсия қилиб, инвестиция лойихалари устида иш олиб боришяпти. Қолаверса, улар қўшимча манбаларни топиш устида ҳам изланяптилар. Жумладан, вилоятда қанд лавлаги етиштиришни такомиллаштириш. уругчилик сифатини яхшилаш юзасилан талбирлар кўрилмокда. Бу борада Франция хамда Греция компаниялари билан олиб борилган музокаралардан умид катта.

Хуллас, вилоят инвестиция дастурлари бошқармаси ходимларининг ишлари оз эмас. Унинг юмушлари кун сайин ортиб бораверади.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қолаверса, ўша мақолада хар қандай рахбарни хушёр торттирувчи шундай далил келтирилган эди: «Нишон туманида... уруш қатнашчиси бепул дори олиш учун 1998 зарур дорини ололмабди. Нафақат у, унга ўхшаган уруш ногиронлари Х. Курбонов, В. Чорнев, К. Абдуллаев ва каровчиси йўк, ёлгиз кария В. Антоновага хам бепул дори олиш насиб килмабли. Онколог тавсиясига кўра, дори олиши зарур бўлган Ф. Кулматов, П. Омоновларга хам дейсиз? Хуллас, бундай рецептлар 10 та. Бирортасига маган». Бу муаммонинг ечими хусусида жавоб хатида бир оғиз ҳам сўз йўқлигини ҳандай тушуниш мумкин? Уруш ногиронлари бепул дориларни олиш учун яна қанча вақт

кутадилар?



САЙЛОВОЛДИ

вими учун сайловолди пойгаси авж олмокда. Якинда бу жараёнда кутилмаган бурилиш юз берди. АҚШ жамоатчилиги президентликка асосий даъвогар саналмиш кичик Жорж Бушнинг дастлабки сайловда ўз партиядоши, Аризона штатидан сайланган сенатор Жон Маккейнга ютқазиб қўйишини кутмаган эди. Нью-Хэмпшир штатида ўтказилган бу сайловда Жон Маккейн кичик Жорж Бушдан 18 фоиз куп овоз олиб, барчани хайратда қолдирди. Омад собиқ учувчи, Вьетнам урушида иштирок этиб, беш йилдан ортиқ умрини асирликда ўтказган сенатор томонда бўлишини, очиғи, ташкилотчилар ҳам кутмаган эди.

Кичик Жорж Бушга эса дастлабки натижа маглубият хисобланди. Энди унга партия

тўкишга тўгри келади. Зеро, республикачиларнинг асосий умиди ундан эди. Бошда келишилганидек, республикачиларнинг ёзда бўлажак қурултойида кичик Жорж Бушнинг номзоди расмий равишда илгари сурилиши керак.

Маккейн журналистлар билан учрашувда бундай йирик ғалаба тушига ҳам кирмаганини очик тан олди Шундай бўлса-да, галабасини сайловчиларнинг унга чин кўнгилдан билдираётган ишончи, леб кабул килли ва буни оклашга харакат килишини айтли. Жон Маккейннинг асосий максали сайлов кампаниясила хакконийликни таъминлаш, президент булгандан кейин, со ликларни камайтириш ва АҚШ сиёсатида пулнинг таъсирини чеклашга эришишдир. "Бўлаётган вокеалар Вашингтонга ўзгадарак бераяпти", деди у. Хуш, демократлар томон-

да нима гаплар? Бу ерда президентлик учун кураш асосан икки даъвогар - амалдаги вице-президент Альберт Гор ва Нью-Жерси штатидан сайланган сенатор Билл Брэдли ўртасида бормокда. Нью-Хэмпшир штатида бўлиб ўтган дастлабки сайловда Альберт Горнинг Билл Брэдли устидан ғалаба қозониши янгилик бўлмади. Бирок, бор-йўги 5 фоиз устунлик билан эришилган ғалаба Альберт Горнинг хотиржамлиги учун кифоя қилмаса керак. Бу натижа демократлар жабхасида асосий кураш хали олдинда эканини билдиради.

Хуллас, Нью-Хэмпширда бўлиб ўтган дастлабки сайлов натижалари сайловолди кург шининг осон кечмаслигина кўрсатмокла.



Би-Би-Си хабарларига қараганда, куни кеча Душанбе шахри хокими Махмадсаид Убайдуллаев машинасининг портлаши оқибатида мамлакат хавфсизлик вазири ўринбосари Шамсулло Жобиров халок бўлган. М. Убайдуллаев эса енгил яраланган. Айни пайтда Тожикистон ички ишлар ва хавфсизлик вазирликлари бўлинмалари пойтахтда жамоат тартибини сақлаш чораларини кучайтирмоқда.

Россия президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин ўзининг иктисодий дастурини 21 феврал куни эълон қилади. У Марказий сайлов комиссиясидан Россия президенти лавозимига номзодлик гувохномасини олганидан сўнг журналистларга шуни маълум қилди. В. Путиннинг таъкидлашича, айни пайтда Стратегик тадқиқот маркази ходимларидан иборат катта гурух дастур устида иш олиб бормокда.

Якинда Россия хукуматининг собик рахбари, "Газпром" компанияси директорлар кенгаши раиси Виктор Черномирдин Нью-Йоркда Россияда булиб утадиган президент сайловида В. Путин голиб чиқади, деб журналистларга интервью берган.

Маълумки, Исроил Йорг Хайдер партияси аъзоларининг Австрия хукумати таркибига киритилганлигидан норози эканлигини билдирган эди. Хукумат номидан тар-

катилган баёнотда айтилишича, Исроил бунлай холатдан жилдий хавотирга тушмокда. Якинда Европа Кенгаши раиси вазифасини бажараёттан Португалия Бош вазири Антониу Гутерриш Европа Иттифоки давлатларининг хам Австрияга нисбатан сиёсий чеклаш эълон қилганини маъқуллади.

Косоводаги уруш Европада ягона армия тузиш зарурати борлигини яна бир бор тасдиклади. НАТО Бош котиби Жорс Робертсон Германиянинг "Шпигел" газетасига берган интервьюсида шундай фикр билдир-

Уэлс шахзодаси Чарлз Бирлашган қироллик тахтига ўтириш учун тайёргарчиликни бошлаб юборди. Гарчи киролича Елизавета Иккинчининг ўз ворисига тахтни топшириш муддати хали аник бўлмаса-да, матбуот хабарларига қараганда, Букингем саройи рахбарлари шахзода Чарлз Филипп Артур Георгнинг тахтга Чарлз Учинчи эмас, балки Георг Еттинчи номи остида ўтириш тўгрисидаги қарорини маъқуллаган.

Хиндистон ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўгрисидаги шартномани имзолаш масаласини АКШ президенти Билл Клинтоннинг мамлакатга 20 мартта белгиланган расмий ташрифи билан богламайди. Бу хакда Хиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ж. Сингх айтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Газетамизнинг шу йил 12 январ сонида эълон қилинган «Камчиликлар кўп, муаммолар ҳам» сарлавҳали рейл маколасида Кашкадарё вилоятила ахолини лори-дармонлар билан таъминлаш, уларни сотиш борасида йўл күйилган камчиликлар хакида сўз юритилган эди. Ушбу мақола юзасидан вилоят хокимининг ўринбосари Р. Рахмоновдан жавоб хати олинди. Унда, жумладан, шундай деййлади:

«Камчиликлар кўп, муммолар ҳам» сарлавҳали танқидий макола вилоят «Лори-дармон» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг кенгайтирилган йиғилишида турли мулк шаклидаги дорихоналар рахбарлари иштирокида мухокама қилиниб, унда келтирилған камчиликларни бартараф этиш бүйича катор тадбир лар белгиланиб олинди

Камчиликларга йўл қўйгани учун Нишон туманидаги 4сонли, Қарши туманидаги 8сонли, Усмон Юсупов туманидаги 11-сонли, Касби тума«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

САРМОЯНИНГ ЧЗИ KENABEPMANAN

нидаги 8-сонли дорихоналарнинг мудирларига огохлантириш берилди, Бешкентдаги 8-сонли дорихона сотувчиси Зариф Пирназаров эса ўз вазифасидан озод этил-

Вилоят «Дори-дармон» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти бошкаруви рахбариятига ахолини сифатли ва арзон дорилар билан таъминлаш, дорихоналарда 20 турдаги нархи чекланган дорилар бўлишига эришиш юзасидан топшириқлар берилди.

Қарши шахрида «Ўзиталмед» Узбекистон-Италия қушма корхонаси курилиши учун жой ажратилган, керакли хужжатлар тайёрланган. Лекин чет эл сармояси хал бўлмаганлиги сабабли, курилиш ишлари бошланмай ту-

ТАХРИРИЯТДАН:

Дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмларини харид килиш ва сотишла тегишли конунга риоя этмаганларга жазо чоралари кўрилгани яхши, албатта. Лекин жавоб хатида мақоладаги иккита мухим жихатта эътибор берилмагани бизни хайрон қолдирди.

Биринчиси, Карши шахрида хар йили 0,5 литрли 15 миллион дона идишда инфузион эритмалар ва 2500 тонна гигроскопик момик ишлаб чикариш кувватига эга «Ўзиталмед» Ўзбекистон-Италия қушма корхонасининг лойихаси, бошка зарур хужжатлар тайёрлангани, ҳатто унинг қурилиши учун жой ажратилганига карамаслан, икки йилдан буён курилиш бошланмагани мақолада танқид қилин-

ган эди.

Аммо... вилоятда ахоли эхтиёжи учун зарур бўлган дориларнинг 20 фоизини айнан инфузион эритмалар ташкил этиб турган бир пайтда жавоб хатида «... чет эл сармояси хал бўлмаганлиги сабабли, курилиш ишлари бошланмай турибди», деб ёзилиши кайси мантикка тўгри келади? Хорижий сармояни биров четдан олиб келиб бермайди-ку? Бунинг учун изланиш, хорижий сармоядорларни қидириб топиш керак эмасми?

Хидир Эшкувватовга дўхтир йил 19 февралда рецепт ёзиб берган экан. Шу пайтгача у «йўқ» жавоб берилганига нима хам «олди» деган белги куйил-

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда телекоммуникация сохасини ривожлантиришга алохида ахамият берилмоқда. Чунки жахон тажрибаси иктисодиётни ривожлантиришда замонавий алока тизимининг роли бенихоя катталигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун республика телекоммуникация хизматини жахон андозалари даражасига етказиш максадила ўзимизнинг ички имкониятлардан фойдаланиш билан бирга, чет эл инвестицияларини жалб этишга хам жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада хозирги кунда ахолига, ташкилот ва кор-

муддати анча қисқарди. Аммо хозир биз бу хусусда эмас, балки айрим жойларда телефон алокаси воситаларини ўгирлаш холлари кўпайиб бораётгани 30х2 русумли кабелни кесиб

хоналарга алока хизмати


кўрсатиш сифати кескин

даражада ощди. Энг кувонч-

лиси, ахолининг ўз хона-

донларига телефон туши-

риш учун навбатда туриш



хакида сўз юритмокчимиз. Негаки, айни шу нохуш холат нафакат алокачиларни, балки жамоатчиликни хам катта

ташвишга солмокда. Мисолларга мурожаат қилайлик. 1999 йил июн ойининг ўрталарида пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги М. Мирокилов кучаси, 2-уйда яшовчи фукаролар телефонлари ишламаётганлиги хакида «Тошкент шахар телефон тармоғи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Миробод филиалига мурожаат қилдилар. Шикоят юзасидан текширув ўтказилганда, ўша кўчадаги 24-уйнинг томи орқали ўтган кабель узилганлиги, натижала телефонлар ишламаётганлиги аникланди. Номаълум кимсалар ТПП-

олиб, гумдон қилишибди.

Сентябр ойида эса шу туман-

нинг Бобур кўчасидаги 67-уй-

нинг І-корпуси ертўласидан

ТПП-100x2x0,4 русумли 3 та

алоқа кабели бир кечада ўғир-

дай ўгирликлар содир бўла-

Сиргали туманида ҳам бун-

лаб кетилган.

лан улайдиган станциялараро алоқа кабеллари ҳамда 600 дан ортик мижозларга хизмат курсатувчи ТПП-600х2х0.5 русумли, 300 мижозга хизмат кўрсатувчи ТПП-100x2x0,4 русумли кабеллар узиб олинган. Оқибатда бундан кўплаб

фукаролар азият чекишгани

етмагандай, Миробод телеяпти. Масалан, «Курувчи» мавзесида 3 марта, «1-Сиргафон тармоги хам катта модли» мавзесининг 19,32 ва 55дий зарар кўрди. уйлари, «4-Спутник» мавзе-Булардан ташқари, Собир сининг 8,27, 29-уйлари ертў-Рахимов тумани «Дала» кўчасилаги телефон қудуқлари, лаларидан, шунингдек, «Тез «Қорақамиш-2/1», «Қорақаёрдам» хизмати биноси ва «Кушбеги» мавзесидаги 2-уй миш-2/4» мавзеларидаги бир томидан ишлаб турган алоқа нечта уйларнинг ертўлаларидан, У. Тансикбоев мавзесикабеллари изсиз йўколган. 1999 йилнинг октябр ойи даги 2-уйдан хам кабель ўгирбошларида эса «Кушбеги» лаш холлари кузатилди. Чилонзор ва Хамза туманлари мавзесидаги Салор каналидан ўтган телефон қувурларидан алоқачилари ҳам қули эгри 50 ва 51-АТСларни шахар бишахсларнинг бундай нопок

қилмишларидан қайта-қайта озор чекмокдалар. Вилоятларда ҳам аҳвол ду-

руст эмас. Утган йили Янгийўл туманининг биргина Гулбахор қўргонида 15 мартадан ортиқ шундай ўгирлик содир этилиб, турли ҳажмдаги 800 метрдан зиёд кабель талон-тарож қилинди. Қишлоқ жойларида эса 16 йўналишдаги 4 минг метрдан купрок кабеллар кесиб олинди. Угрилар, айниқса, Янгийўл шахар тармогига катта талафот етказдилар: 7 минг метрдан кўпроқ, шу жумладан, 600 метрдан зиёдрок 600 жуфтлик ва 3500 метрдан ортикрок станцияларни ўзаро уловчи кабеллар ўгирланди.

Куйи Чирчик туманининг маркази - Дўстободда хам шундай ходисалар юз бериб турибди. Бу ерда 14 минг метрга яқин турли ҳажмдаги кабеллар ўгирланган бўлса, Бекобод шахрида кесиб олиб кетилган кабеллар орасида 400 жуфтлик ва оптик толали ўта қимматбахо кабеллар хам бор эди.

Сирдарё вилоятида эса уч нафар ўгри алоқа корхоналари омборларидан, АТСлардан қимматбахо рангли симларни кесиб олганларига нима дейсиз? Улар хатто оптик толали халқаро алоқа йўлига хам зарар етказдилар.

Афсуски, бунга ўхшаш ташвишли холатлар янги 2000 йилда ҳам руй бермоқда. Чунончи, январ ойининг ўзида пойтахтнинг яна Миробод туманида бир неча марта кабель ўгирланди. Хатто Сиргали туманининг «Завод» кўчасидан ўтган телефон канализацияси ичидан, яъни ер остидан 350 метр кабель олиб кетилган. Шунингдек, «Дарёорти» кўчасидан эса 390 метр кабель шилиб кетилди. Зарар микдори - 400 минг сумга тенг. Умуман олганда, Миробод алоқа тармоги бундай ўгирликлар туфайли жами 1 миллион сўмдан зиёд моддий зарар кўрди.

Тўгри, Тошкент шахар ва вилоятлар телефон тармоқлари ходимлари навбатчиликлар ташкил этиб, жамоатчиликнинг ердамига суяниб, ўгриликларнинг олдини олишга интилмокдалар. Лекин бу борада хукуктартибот органлари ходимлари, қолаверса, ҳар бир киши, айникса, махаллалар оксоколлари, посбонлари ва фаолларининг ёрдамига эхтиёж сезилмокда. Чунки гап давлат мулки, миллион-миллион сўмлик кимматбахо телефон алоқаси воситаларини талон-тарож қилмасликдек ғоят мухим масала ҳақида кетмоқда.

Абдураим ОТАМЕТОВ. журналист.

Мархамат туманидаги сабзавотларни қайта ишлаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўтган йили Италиядан кичик завод сотиб олганди. Кишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган мазкур завод бир кунда 3 тонна помидор, 150 тонна мевани қадоқлаш имкониятига эга. Завод ишга тушиши туфайли 180 нафар махаллий ахоли доимий иш билан таъминланди. Мухими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган 25 турдаги тайёр махсулотга нафақат ўзимизда, МДХ давлатларида хам эхтиёж катта. Хозир шартномалар тузиш ва ишлаб чикарилаётган махсулотлар турини кўпайтириш чоратадбирлари кўрилмокда.

СУРАТЛАРДА: ишчи Дилфуза Аҳмадалиева; технолог Мансурбек Исмои-Тохиржон

ХАМРОКУЛОВ олган



Бу масалани кун тартибига кундаланг килиб куйиш - хали эртарок. Аммо мустакилликка эришилганидан буён Ўзбекистонда муваффакиятли амалга оширилаётган ислохотлар туфайли телекоммуникация тармокларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. 1995 йили хукумат томонидан қабул қилинган Миллий дастурга кўра эса, 2010 йилгача телефонлар сони уч баравар купайтирилади, янгидан куриладиган тармокларнинг деярли хаммаси хонадонларга хизмат қилади. Шундай бўлса-да, ушбу оғир ва мураккаб дастурнинг ижроси хар бир оилани телефон билан таъминлашни мақсад қилиб қўймайди. Фақат бундай имкониятта аста-секинлик билан, боскичма-боскич эришиш назарда тутилади.

елгиланган мулдатнинг үч-Бдан бир кисми ортда колди. Ўтган даврда Олмония, Япония, Корея Республикаси ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг жахонга машхур компаниялари иштирокида Узбекистонда махаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва тубдан қайта қуриш бўйича йирик лойихалар амалга оширилди. Жумладан, Япониянинг ОЕСГ жамғармасининг кредити хисобига амалга оширилган биргина лойиха мамлакатнинг Оролбўйи атрофидаги тўртта минтақасида 252 минг ракамли янги АТСларни ишга тушириш имконини берди. Шундан 100 мингдан зиёдроги фукароларга хизмат кўрсатади. Бу - масаланинг бир томони. Иккинчидан, телефон тармогидаги мавжуд қувватлардан янада самаралирок фойлаланиш, жами АТ-Сларни тўлиқ ишлатиш мўлжалланган. Бу масалалар шахар ва туманларнинг марказларида бирмунча муваффакиятли ечимини топмокда. (Бу ишлар суръати бирмунча суст бўлган қишлоклар учун пул билан таъминлашнинг қушимча манбалари ва телекоммуникациянинг умумий тармокларига кириш-

ланмокда). Тошкент шахар телефон тармо ғини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-харакатлар, айникса, кувонарлидир. Бу ерда хозирнинг ўзидаёқ 70 фоиз хонадон телефонлаштирилди. 120 минг ракамли энг янги АТСлар фойдаланишга топширилди. Станциялараро бирлаштирувчи линия ва каналларни ривожлантириш бўйича йирик лойихалар амалга оширилди. Унлаб янги хизмат турлари жорий этилли. Абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ишлари эса жадал олиб борилмокда.

нинг янги техник воситалари из-

<u>Телекоммуникация тизими</u>

бошида бўлиб ўтган йиғилишида берилганига ўн йилдан ошган аризаларни 1999 йилнинг ўзидаёқ қондиришга эришиш учун бутун чораларни кўриш тўгрисида бир қарорга келинди. Сўнгра берилганига беш йил бўлган аризаларни хам йўл-йўлакай қондиришга қарор қилинди. Бу қарорларни ижро этишнинг ўзи бўлмасди. Хатто «бу этишга сафарбар килибгина колмай, ахолини хам матбуот орқали кенг хабарладик. Мутахассислардан иборат тезкор бригада тармоқни ривожлантириш ва қайта қуриш, телефонлар ўрнатиш ишлари билан фаол шуғулланди. Натижала 1999 йил лавомила бунлай буюртмалардан 32820 таси ижро этилди. Хаммаси бўлиб 37452 та

га. жойлардаги филиалларимизга ахолидан жами 2614 та хат тушди. Улар орасида миннатдорлик мактублари хам оз эмас (афсуски, алохида хисоблаб чикмаган эканмиз). Купчилик айрим масалаларда тушунтиришлар беришимизни илтимос қилиб ёзади. Уринли шикоятлар ҳам бор — улар 175 та. Бу жами мурожаатларнинг 7 фоизини ташкил этади. Лекин асосий мурожаатлар (ойига 100 мингта яқин) бизнинг турли хизмат тизимларимиз, шу жумладан, «09», «009» ва

Лекин у аёлда бундай хужжат йўқ экан. Аёлнинг талаби тўгрилигини исботлайдиган ҳеч ҳандай ҳужжат бўлмасада, узел ходимлари аёлга ён босиб, 1999 йил декабр ойида унинг 1970 йилда берган аризаси санасини тикладилар ва шартномани расмийлаштиришни таклиф этдилар. Аммо қизиғи шундаки, худди ўша кунларда газеталарнинг бирида аёлнинг имзоси билан танқидий мақола чоп этилди. Унда 29 йилдан бери алоқачилар унинг уйига ва яна икки қушнисига телефон ўрнатиб бермаётганлари, «келишилган нарх»ни ўртага қўйиб, таъмагирлик қилаёттанлари, бу орада эса (унинг ёзишича, эгри қўлли, олғир) ходимлар унинг навбатини бир неча бор «пуллаган»ликлари, бу хакда судга даъво килиши мум-

кинлиги ҳақида сўз юритилганди. Биз бу кўнгилсиз холни обдон ўргандик. 1970 йилдан буён бу аёл ўз аризасини (агар у ҳақиҳатан ҳам бор бўлса) бирор марта янгиламаган, ташаббус кўрсатмаган, аксинча, алоқачилар ташаббус кўрсатишди, телефонли булишни таклиф қилишди ва бундай хайрихоҳлик учун ана шундай «рахмат» эши-

Мана, сизга шериклар билан «маданий» муносабатга оид аниқ мисол. Вахоланки, танкилий мақола муаллифининг ёзишича, у врач, пенсияда. Шундай бўлса-да, биз унга телефон ўрнатиб бердик. Табиийки, хозирги келишилган шартлар асосида, албатта. Алоқачилар шаънига матбуот оркали айтилган тухмат ва хақоратомуз гаплар эса унинг виждонига хавола.

Пойтахт телефон тармогини ривожлантириш ва қайта қуриш ишлари давом эттирилмокда. 2000 йилда камида 8000 фукаронинг уйларига телефон ўрнатиб бериш мўлжалланган. Бунда асосан кўпдан бери телефон кутаёттанлар назарда

Биз шу тариқа телефон учун навбатда туришни аста-секин бартараф этишга эришамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳамма соҳада оғирни енгил қиладиган бу замонавий алока воситаси хар бир оиланинг мулкига айланадиган даврлар то-

> А. КУДИНОВ сухбатлашди.



Шу билан бирга «Тошкент шахар телефон тармоги» очиқ турдаги акциядорлик жамияти рахбарлари ва мутахассисларининг ташаббуслари туфайли тармоқда мавжуд иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини кутаришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмокда. 1999 йилнинг бошида бундан ўн йил аввал ариза топширган барча фукароларнинг уйларига телефон ўрнатиб бериш ташаббуси айнан шу жамоада туғилганлиги ҳам табиий холдир. Ушбу ташаббус республика «Махаллий телефон» акциядорлик компаниясининг барча корхоналари томонидан маъкулланиб, қўллаб-қувватланди. Ана шу жабхада илгари мисли кўрилмаган амалий ишлар бошлаб юборилди.

Бу ҳақда «Тошкент шаҳар телефон тармоги» очик турдаги акцияорлик жамияти бош директори С. Аъзамов шундай хикоя қилади:

- Корхонамиз давлат тасарруфидан чикарилиб, акциядорлик жамиятига айлантирилгач, жамоамиз ўз улуши бўлган хамма акцияларни сотиб олди. Шундан сўнг янгича шарт-шароитлар ишимизни янада яхшилаш, самарадорликни ошириш учун мавжуд имкониятларга эътиборимизни қаратишга мажбур этди. Айрим буюртмачилар томонидан уйларига телефон туширилишини йиллаб кутишга мажбур бўлаётганлари хусусида бизнинг шаънимизга айтиётган аччик эътирозларни эши тавериш нокулай бўлиб колди. Шу боис акциядорларимизнинг йил

зулар», дея таъна килишди хам. Аммо биз максадларимизни ёруг юз билан рўёбга чиқариш учун жиддий тайёргарлик кўриб қўйган эдик. Барча станция ва линия-кабел иншоотларидаги буш уринларни тўла қайта рўйхатдан ўтказдик, маъжозий маънода айтганда, «нозик нукта»ларни аникладик, янги қурилишлар, қайта тиклаш ва туб таъмирлаш қанчага тушишини чамалаб кўрдик (сарф-харажатлар анчага тушиши маълум бўлди). Бизнинг хисобимизда турган, хали қондирилмаган ҳамма буюртмаларнинг муддатларини қайта кўриб чикдик. Маълум бўлдики, 10229 та буюртма 10 йилдан ортик, 26 мингтаси 5 йилдан ўн йилгача, 40 мингтаси эса 5 йилгача бўлган муддатдан бери ижросини кутаётганди. Хамма хонадонларни телефонлаштириш ишларини бошлаёттанимизда, хисобимизда 28 мингта 5 йилгача бўлган ариза мавжуд эди. Айрим ракамларга эса амалга оширилаёттан тадбирлар давомида тузатишлар киритилди. Шундан сўнггина амалий ишларимизни босқичма-босқич тайёрлаш ва бажаришга киришдик. Бизнинг ходимларимиз узоқ муддатдан бери телефон кутаётганлар рўйхатига аниклик киритиш жараёнида ҳали телефон туширилмаган уй ва хо-

надонларни айланиб чикдилар.

Янги буюртмалар янги кабелли ин-

шоотларни куриш чогида эътибор-

да бўлиши нуқтаи назаридан хисоб-

га олинди. Шундай қилиб, биз бу-

тун жамоани ушбу вазифани ҳал

нинг дастлабки мажбуриятлари мизни уч карра ортиги билан бажардик. Айтиш мумкинки, тушганига узоқ муддат бўлган буюртмалар қолмади хисоб.

 Саидакбар Аъзамович, кечирасиз-у, бундай хулоса чикаришингиз учун ҳали эрта эмасмикин? Негаки, Тошкент худуди кенг, катта шаҳар. Хонадонлар, кўп қаватли уйлар, янги турар-жой массивлари озмунча эмас. Хамма йўналишларда ва хар бир уйга кабел линияларини тортиб бориш учун каттагина моддий ресурслар, пул, вакт ва мехнат талаб этилади. Кўпдан бери телефон тушириб беришларини кутаёттан хонадонлар қолмаганига, бу муаммо чинданам тўла хал этилганига имонингиз комилми?

 Аввало, бундай участкалар бор, албатта. Лекин улар жуда оз қолди. Иккинчидан, бизнинг аниқ иш дастуримиз бор, қачон телефон ўрнатиб беришимиз мумкинлиги ҳақида буюртмачиларга хабар берганмиз. Мен узоқ вақтдан бери телефон учун навбат кутаётганлар қолмади, деганимда, кўп йиллардан бери ишониб-ишонмай кутиб келган 33 минг фукаро нихоят телефонли бўлганлигини назарда тутаяпман.

- Қисқа муддатда амалга оширилган бундай улкан ва хайрли ишлар учун ахоли томонидан миннатдорлик акс-садолари келиб тургандир? Балки бу масалада аник ми-

соллар хам келтириш мумкиндир? Утган йил давомида акция дорлик жамиятимиз маъмурияти

«064» ракамларига тегишли бўлиб улар фақат телефон масаласига тааллуклидир. Аксарият абонентларимиз янги ўрнатилган телефонлари орқали биринчи қўнғироқларни, одатда, АТСларимизга қилади-

Таажжубли ҳоллар ҳам учраб

турадими? - Хизматта тухмат қабилидаги

бундай нохуш холлар хакида гапиришни истамаслим. Лекин саволингизга жавоб беришим керак. Янгиобод туманидаги филиалимизда телефон ўрнатиб бериш юзасидан хисобимизда турган аризаларни текширувдан ўтказдик. Маълум бўлишича, Мирсолихов кўчасидаги 5-уйнинг фақат учта хонадонда телефон йўқ экан. Биз айнан шу йўналиш бўйича қўшимча кабел ётқизишга қарор қилгандик. Рўйхатда турганлардан ташқари абонентларни ҳам излаб кўрдик. Уша хонадонларнинг эгаларини таклиф этиб, телефон керак ёки керакмаслигини сўрадик. Хаммалари керак, дейишди. Бирок бир аёл телефон ҳаҳини келишилган, яъни руйхатга олишдагига нисбатан қимматроқ тўлаш лозимлигини билгач, «мен 1970 йилдан бери навбатда тураман, демак, ўша пайтдаги нархда ўрнатиб берасизлар», деб туриб олди. Ходимларимиз бу аёлнинг аризасини роса қидириб, топишолмади ва унинг аризаси кабул килиб олинганлиги хакида алоқа корхонаси берган маълумот қоғозини келтиришни сўрашди



НАВРЎЗНИ КАРШИЛАБ

Бахори эрта келадиган Сурхон вохасида халкимизнинг кадимий байрами - Наврузни кенг нишонлашга хозирлик бошланиб кет-

Умумхалк байрами вилоят маркази Термизда ва туманларда кенг нишонланади. Халкимизнинг кадимий урф-одатлари, анъаналарини акс эттирувчи халк амалий санъати, хунармандлик, миллий таомлар кўргазмалари, сумалак сайли ўтказилади. Савдо ярмаркалари, кишлок хужалиги ва саноат махсулотлари ярмаркалари ташкил этилади. Бадиий жамоаларнинг чикиши спорт мусобакаларига уланиб кетади.

Бугунги кунда байрам муносабати билан вилоятда кенг микёсдаги ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмокда. Корхона ва ташкилотларда, махаллаларда шанбаликлар ташкил

> Чори ТЎХТАЕВ, УзА мухбири.



жамияти айни вақтда 35 турдаги эхтиёт қисмларни ишлаб чиқармоқда. Шу боис хам хўжаликларга кўрсатилаётган хизмат ўз вақтида, шу билан бирга анча арзонга тушмоқда. Яқинда жамият Самарқанддаги автомобил ишлаб чиқарувчи завод билан шартнома тузди. Ушбу шартномага мувофик, заводдан юк ташийдиган автомобиллар сотиб олинади ва улар бензин ташиш-

га мослаштирилади.



СУРАТЛАРДА: цех бошлиги Тохиржон Усмоналиев пайвандчи Раъмел Расматов билан. Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СОГЛОМ АВЛОД ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН КИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

ахоли кенг табақалари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган

СУМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ

эгаларига хаёт ва саломатликларини бепул сугурталаш имконини беради

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларида 2000 йилнинг 21 февралидан Банк мижозлари бўлган сўм пластик карточкаларининг эгаларига сугурта васикалари берила бошланади.

Сўм карточкаларига эга бўладиган мижозлар карточка билан бир пайтда сугурта васикаларини олишади.

• Агар Сиз сўм карточкасининг эгаси бўлсангиз, сугурта васикасини олиш учун карточкани берган Банк муассасасига мурожаат қилишингиз зарур.

> Кўлингизда суғурта васикаси бўлсагина, Сиз суғурта бадалини олиш учун мурожаат қилишингиз мумкин.

Қушимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган булимига мурожаат қилинг. Мулокот учун телефон: (99871) 137-62-83, 137-62-80



Хақиқатан ҳам ким "Энг яхши хунарманд", "Энг яхши фермер", "Энг яхши тадбиркор"? Буни шу йилнинг феврал ва март ойларида республика "Ташаббус" кўриктанловининг шахар, туман ва вилоят боскичларида билиб оласиз. Қашқадарё вилоят ҳокимининг фармойишида таъкидланганидек, ҳар бир йўналиш голиби 200

минг сўмлик соврин

ЯХІПИЛАРНИНГ

билан такдирланади. Бундан ташқари рағбатлантирувчи мукофотлар хам бор. Улар энг яхши тадбиркор аёл, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этган, четга энг кўп махсулот

чиқарган, самарали лойиҳа

тайёрлаган, солиқни ўз

вактида тўлаган корхона ва фирмалар учун аталган. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу кўрик-танлов, "Энг яхшилар" ҳақида оддий тилда, жонли, юракка етиб борадиган тарзда қалам тебратган журналист учун ҳам алоҳида соврин қуйилган. Танловнинг шахар ва

туман босқичлари 26 февралда тугайди. 25 март куни эса вилоят боскичининг голиблари аникланади. Улар республикамизнинг энг яхши хунарманд, фермер ва тадбиркорлари билан куч синашадилар. Кани, Президент совринлари кимга насиб қиларкин? Буни март ойининг охирида Тошкентда бўлиб ўтадиган асосий боскич кўрсатади.


> н. РАВШАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



«ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚК 2000 йилнинг 1 январидан 31 мартгача ўз дори-дармонларини консигнация шартларида сотишни йўлга қўйди.

Шартномаларни куйидаги манзил буйича тузиш мумкин: "Гуфик-Авиценна" Бухоро ш., тел.: (3652) 26-17-30, 26-47-41, 26-14-11. "Гусрик АТА" Тошкент ш., тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.













ғилиб, яйраб кўнгил очадиган жой. Бизнинг Одилжоннинг ҳам у ердан оёги узилмайди. У Ситорахон билан ўша жойда танишган. Ситора башанг кийиниши қаддига ярашган қиз. Одилжоннинг назарида унинг юзи, кўзи гўё хамиша ловуллаб ёниб туради. Кулганида ҳатто осмон ҳам чараклаб кетади. Хамманинг кўзи унда. Одилжон хам сира-сира ундан кўз узолмайди. Аммо унга бир сўз айтолмайди, яқинлашолмайди. Негаки, бир ёги ийманади, яна бир ёги — унинг харидори кўп. Казо, казоларнинг ман-ман деган эркатойлари у билан танца ту-

Кунларнинг бирида Одилжон "бахташ таваккал" деди-да, Ситорахоннинг олдига келиб, реверанс қилиб, эгилиб, таъзим ила танцага чорлади. Хайриятки, нозанин қиз таклифини рад эт-Не бўлдики, қизнинг оп-

поққина, юмшоққина қўлларини ушлаб, елкасига билак ташлаб, ўртада айланиши хамон Одилжоннинг бутун вужуди мисоли кумурска ўрмалагандай жимирлади. Шу боисданми, кизни багрига босиб, даврада гир айланганини хам сезмади. Ишқ ўтининг алангаси бирдан уни карахт қилиб қўйганди.

Бўлиб ўтган ана шу воқеадан кейин Ситора билан тез-тез учрашиб турди, йўқ десаям, Ситорани ишига таксида олиб бориб, қайтишида яна келтириб қўядиган бўлди. Узи таксичи эдида, машина текин.

Не бахтки, кизнинг кўнглини топгандай бўлдида, пайт пойлаб, икки юзидан чўпиллатиб ўпиб олди ва Ситорадан балога қолди.

— Вой ўлмасам! — деди қиз ажабланиб. — Нега ҳаддингиздан ошасиз? Дадам кўриб қолсалар, иккимизни сазойи қиладилар-ку! Ситоранинг бу гаплари-

дан Одилжон тушундики, қизнинг унда кўнгли борку, лекин бунга қандайдир кафолат сўраётгандай эди. - Совчи юбораман. Қа-

чон юборай? - деди йигит кизнинг ёниб турган копқора кўзларига боқиб. — Қачон юборай, а?

Ситора ерга қараб қолди. - Хали сизни унчалар билганим йўқ-ку. Биласиз. Тезда билиб

оласиз. Нималар ёқади сиз-- Нимангиз бор, ниман-

- Уй-жойим бор, туйга лойиқ жамғарганим бор! —

деди кувнаб Одилжон.

Ситора андак сукут сақ-

"Мерседес" ингизчи?.. Мерседеси йўқ совчиларни рад

- "Мерседес"ни есть қиламан! — деди Одилжон ўйлаб ўтирмай. Мулоқот якунида Одилжон

тез кунда "Мерседес" сотиб оладиган, ўшандан кейингина Ситора унга тегадиган бўлди. Минг афсуски, ажойиб ва

ана шундан кейин бошланди.

жон оёги тўртта бўлиб, югу-

риб-елиб, топган-тутганини

жамлади, кам-кўстига қарз-

қурз қилиб йиғинди-да, сўмла-

рини чайковда долларга алма-

шиб "Мерседесвой қайдасан?"

деганида, "Хорижий автомо-

билларнинг катта бозори ана

Москвада" дедилар унинг

хориж автомобилларининг жа-

хон бозори гавжум эди. Форд,

опеллар, шкодаю тайоталар.

Хохлаганингни, танлаганингни

оласан. Лекин у хохлаган

"Мерседес" кўринмади. Одил-

жоннинг юраги жигиллади:

"Энди қайга борасан, "Мер-

седес" ваъда қилгандинг-ку?".

Хаёл оғушида боши қотиб тур-

ган чогида бир йигит пайдо

бўлиб, озарбойжонча салом-

лащди ва "Сизга нима керак?"

деб сўради. "Мерседес" олмок-

чиман" — дейиши хамон

қўлидан ушлаб, етаклаб кет-

ди. Бозор оралаб чеккарокка

ўтдилар. Қора бўёқлари ялти-

раб турган "Мерседес"ни

кўрсатиб, "Мана шуни олинг,

кетди. Олсаю, минсаю канот

ясаб Тошкентга учса. Мана

Сизга "Мерседес!" деб Сито-

Осонгина бахолашдилар-да,

Одилжон у йигитга доллари-

ни санаб берди. Сотувчи йи-

гит пулига унинг паспортини

тини кутинг, хозир олиб ке-

ламан" деб нарилаб кетди.

Одилжоннинг хаёли осмонда.

Борадию туй бошлайди. Си-

хам күшиб олди-да, "Хужжа-

Олди-сотди чўзилмади.

рани кучса...

Одилжоннинг кўзи ёниб

сизга арзон сотаман" деди.

Москвадай азим шахарда

Севинчдан ўзида йўқ Одил-

Тафсилоти куйидагича:

Кандай бахт!

Ич-ичида гўё от ўйини бошланди. "Тезрок кела колсайди! Тезрок кела қолсайди... Мунча имиллайди?!" Хужжат келишига кўзи тўрт йигитнинг ширин хаёллари ташвишга айланади: "Нега хаяллади? Нега

торасини янги "Мерседес"ида

шахар айлантириб, ёр-ёр би-

лан ўз уйига тушуриб келади.

Хадеганда на сотувчидан, ва

<u>"МЕРСЕДЕС"</u>

ФОЖИАСИ

ди. Надоматда кўз қорайди.

Тунда ҳам хабар бўлмагач, уни

вахима босди. "Товламачи

эканми, баччагар. Сени дог-

лаб кетдими, фирибгар... Энди

нима киласан, ўз юртингга

қуруқ борасанми? Ситорадан

ғазабга айланди. Бояги маши-

на турган кўчма гаражнинг

эшигини тепиб бузаётганида

сокчи пайдо бўлиб, паспор-

тини суриштирди. Паспорти

йўқ, унинг шахсини белгилов-

чи ҳеч қандай хужжати ҳам

йўқ эди. Бинобарин, милици-

онер "Номаълум шахс" деб

уни хайдаб кетишдан бошқа

"Мерседес" сотиб, Одил-

жондан пули билан паспорти-

ни олиб, хужжат расмийлаш-

тиргани кетиб-гойиб бўлган

киши аслида фирибгар эмас,

харидорни алдаб қочгувчи ҳам

эмасди. У тасодифан бахтсиз-

лик қурбони бўлди. Олди-сот-

ти бўлган жойдан сал нарида

тиқилинч йўлдан чопиб ўтаёт-

ганида тезлаб келаётган дах-

шатли "КАМАЗ" босиб, ма-

жақлаб юборди. Эзилиб, қора

одам башараси колмаганди.

Мурдани таниб бўлмади. Ми-

лиция терговчилари номаълум

мурда ёнидан мажақланган

конга беланиб кетган йигитда

илож тополмади.

Одилжоннинг ташвиши

айриласан-ку, иснод!"

бир сиким доллар топдилар,

Бахтсиз ходиса курбонини шу паспортнинг эгасидир, деб билган терговчилар фожиали тана сурати билан паспорт ва ўн минг АҚШ долларини Одилжоннинг манзилига юбордилар. Москва милициясидан келган пакетни очган ота-она йиги-сиги билан Одилжонга аза тутиб, мотам

Иброхим РАХИМ,

русум одатий маъракалари-

нию, хатто бир йиллигини хам

эшитган кунданок Одилжон-

нинг номини унутди, бояги-

дай, хеч нарса билмаган, хеч

нима эшитмагандай дискоте-

кага қатнашда давом этди.

Аммо танишларию, жазманла-

ри кўп бўлгани билан Одил-

жон янглиг унга биронта ха-

ридор чикмади. Чунки унинг

дарди "Мерседес" ва дискоте-

ка бўлиб, у халол, халоватли

турмушни эмас, кафе, ресто-

ран ҳаётини афзал биларди.

Шу боисдан Ситорани ҳеч бир

йигит дискотекаю, кафеларга

Одилжон билан ўтган тотли

кунларини эслайдиган бўлди.

Еши ўтиб, чиройи сўниб бо-

раётгандай бўлиб, ўксиётган

Ситора энди хотин қуйган, хо-

тини ўлган кимсадан бошқа эр

топилмаслигидан эзилиб, хас-

таланиб қолаёзди. Хафақонлик

кезларда бахтли кунларни эс-

лашдан кўра мудхиш нарса

йўқ, деб тўгри айтган экан-

лар. Ситора ана шу хакикатни

эслаб, катта кўчада хомуш бо-

раркан, Одилжонларнинг дар-

возаси олдида ажиб бир ходи-

сага дуч келиб, ҳайрон бўлди-

да, ҳанг-манг қотиб қолди.

Не кўз билан кўрсинки,

Сизни севаман, деган ўша

Одилжон, "Мерседес"ни есть

киламан" деб ниятига етмай.

машинасиз ўлган йигит нахот-

ки шу бўлса... Ана у кора

бўёклари куёш нурила порла-

ган "Мерседес" олдида савлат

тўкиб турибди. Уни катта-ки-

чик қуршаған, шоду-хуррам-

'Туш кўряпманми?"

юборди ўзига-ўзи.

Аросатда қолған Ситора

чақирмай қуйди.

Ситора унинг ўлимини

<u> Ўзбекистон халқ ёзувчиси</u>

Одилжон Москвадаги

машина бозорининг милиция бўлинмасига олиб борилганида озарбойжонлик олиб-сотарлар уни гаровга олиб, омборхона ертўласида мардикор қилиб ишлатдилар. Шу орада у машина сотган одамнинг халокатидан хабар топди-да, "Худо урди сени" деб, такдирга тан бериб, астойдил ишлашга тушди. Негаки, "Мерседес"сиз юртига қайтишни ўзига ўлим, деб билди. Озарбойжонлик олибсотарларнинг қўлларида жарақ-жарақ пул ўйнарди. Одилжон ҳам пул топиш

йўлига тушди. Нима бўлдики, кўлига тушган бир оз пулга таваккал қилиб, лоторея чиптаси сотиб олди, ўтирса хам, турса ҳам, "Омадимни бергин Худо!" деб нола айлади. Не бахтки, унинг лоторея чиптасига "ол, кулим!" дегандай катта пул ютуги чикди. Озмунча эмас, миллион Россия рубли! "Урди Худо, берди Худо!" деди-да, Одилжон орқа-олдига қарамай, жахон машина бозорига югурди.

Машина бозори аввалдагидан ҳам гавжум, аммо олувчидан сотувчи куп. Одилжон бир қора рангли "Мерседес"ни синчиклаб кўрди-да, бахолашувдан олдин хужжатларини суриштирди. Олди-сотти хужжатларини қўлига олгач, пул санаб берди ва ўша ерда рулга ўтириб, йўлга тушганича Тошкентдаги ховлисига етиб келгунча кўз юммади. "Мерседес" миниб келган фуглини куриб, "Гур ўгли, гўр ўгли" деб отаси хушидан кетди. Онаси бечора хали аза кийимини ечмаган экан, қора кўйлак, қора рўмолда югуриб чиқди-да, "ўлиб тирилган Одилим. Сен Худо қайтариб берган ўглоним?..." дея дод солди. Йигилди одам, йи**гилди** одам.

Йигилганлар орасида Ситора хам бор эди. У, аввало, ўзини четга олиб турди. Қараса, ҳамма ўлиб-тирилган Одилжонни қутлаб қучоқлаяпти. У ҳам бундан четда қолмади, дадил бориб Одилжонни қучоқлаб олди.

- Бормисиз, вафодорим, омонмисиз. Сизни ўлди деганлар уялиб қолди. Сиз ваъдангизга вафо қилдингиз. Офарин!

- Мана Сизга "Мерседес", энди совчиларимни хайдамайсизми? - деди ранги оппок пахта бўлиб турган қизга тикилиб.

ганилан уялибми, нима леярини билмай, сулгин кўзлари билан ерга караб





Газетхон таклифи

Мамлакатимиз футболида юз бераёттан сўнгги ўзгаришлар хөч кимни бефарк колдирмайди. Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси (ЎРФФ) 2000 йилдан олий лига жамоалари сонини 20 та килиб белгилаганлиги иш-

TEHT-TEHT

Чунки шу табақада 6 та, нари борса 8 тагина олий лигага муносиб жамоа бор, холос. Қизиқ, Узбекистонда, албатта, маъмурийхудудий бирликка қараб олий лигага жамоалар киритилиши шартми? Мамлакат футболи савиясини кўтариш мухимми, ё жамоалар сонини ошириш билмай колдик. 1996 йилги мавсум тугагандан сўнг ҳам худди шундай қарор қабул қилиниб, жамоалар сони 18 тага етказилди. Ахир кучли

билан кучли ўйнаса. футбол ривожланади, футболчиларнинг махорати юксак савияда тобланади-

чемпионати ўйинларида нима учун Европа ва Жанубий Америка жамоалариг кўп ўрин

берилади? Чунки уларнинг махорат даражаси юкори савияда. Агар Осиё китьасига хам Европага ажратилганчалик ўрин берилса эди, жахон чемпионатининг қизиқарлилик даражаси ва футболнинг савияси зарар кўрар эди. Футболдаги ўрин маъмурий-худудий бўлинишга ва ахоли сонига қараб эмас, жамоаларнинг халқаро майдонда мавжуд бўлган савияга қай даражала муносиблигига караб ажратилиши зарур. 1997 йил январида

жамоалар сони 18 тага кўпайтирилди. Худди шу йили чемпион бўлган МХСК 1998 йилда олий лигани тарк этди. 1998 йилда чемпион бўлган «Пахтакор» Осиё чемпионлари кубогида муваффақиятсиз қатнашди. Бу ҳам ички биринчилигимиз қай даражага тушиб бораётганлигини кўрсатади. Нахот-ки, ЎРФФ рахбарларининг шундан кейин хам хушёрлиги ортмади? Мамлакатимиздаги футбол мутахассислари, журналистлар, жамоатчилик нима учун ўзларини бир четга олиб туришибди.

Менимча, олий лига жамоалари сони кўпи

билан 12 тадан ошмаслиги зарур. Булар икки даврали ўзида ва мехмонда 22 та ўйин ўтказса, шундан сўнг 6 жамоа медаллар учун,

қолганлари олий лигани тарк этадиган жамоани аниклаш учун курашади, Хаммаси булиб 32 учрашув ўтказилади. Худди шу микдорда биринчи ва иккинчи лига ўйинларини хам ташкил этиш мумкин. Шундагина жамоалар ўз савияси жиҳатидан тенг жамоалар билан тўп суради. Ахир, халқимизда «тенг-тенги билан» деган гап хам бор-

Рахимжон ХАСАНОВ, Маргилон шахри.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

Болалар бадиий ижодиёти республика маркази

22 (tempon coor 15.00 gg

марказнинг ижодий студияларида «ОЧИҚ МАШҒУЛОТЛАР КУНИ»ни ўтказади

ўсмирлар машгулотларда қатнашиши ва студияларга ёзилишлари

Тадбир қатнашчиларини Халқаро кўргазма-танловларининг

голибларини такдирлаш маросимида катнашиб, болалар ижодий

мирикиб томоша килишта таклиф этамиз.

кўргазмасига, байрам концерти хамда кўгирчок театри спектаклини

Манзилгохимиз: Тошкент ш., Динмухаммад Қўнаев к., 15-уй.

/олдинги Сапёрная кўчаси/ Тел. 56-62-29, 54-74-21.

Ижодий студияларда шугулланишни хохловчи болалар ва



полиция учун MAXCYC KYPOA

Франция полициясига жамоат тартибини бузувчиларга қарши ишлатиш учун янги қурол тарқатилди.

Бу қурол қушотар милтик бўлиб, унда ўк эмас, балки юмшоқ тўпчалар (теннис шарига ўхшаш) отилади. Унинг афзаллиги шундаки, «ўқ» теккан одам ўлмайди, шунчаки нокаут бўлиб, худди боксчи ургандек гангиб қолади.



Гренландияликлар Кушма Штатларга ўзига хос бўлган махсулотни — шахталариинг энг чукур жойидан қазиб олинган музни экспорт қилмоқдалар. Самолёт-рефрижераторларида муз палахсалари Нью-Йоркдаги кимматбахо ресторанларга олиб келинади. У ерда бир неча миллион йилги соф Гренландия музидан кесилган кубиклар ичимликларга кушиб сотилади.



Уурматли Убонимлар ва Жановлар! Ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик тижорат ASAKA BANKI






Сизларга банк хизматларининг янги тури сўм пластик карточкасидан фойдаланишни таклиф қилади.

"АСАКА" банкининг сум пластик карточкаси ишончли, обрули, кулай ва фойдалидир.

- √ Пластик карточка йилига 39,29% фойда беради ва карточка хисобида қолған маблағингизга ҳар ойда фоиз қушилиб боради;
- Зарурият туғилиши биланоқ ўзингизга қулай пайтда нақд пулларни пластик карточкадан олишингиз мумкин;
- √ Пластик карточкани йўқотиб қўйсангиз, ўз пулларингизни йўкотмайсиз; Мутахассисларимизнинг юксак профессионал тайёргарлиги
- ва мижозларимизга сифатли хизмат кўрсатиши Сизга санокли дақиқалар ичида пластик карточка олиш имконини беради;
- УЭнт асосийси, "АСАКА" банки Сизнинг омонатларингиз сақланишига ва сир тугилишига тўла кафолат беради.




"АСАКА" банкининг сўм пластик карточкасига эга бўлиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича банкнинг Тошкент шахар бўлимига, куйидаги манзилга мурожаат килинг: Абдулла Қаххор кўчаси, 73-уй, телефонлар: 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-81-79.



Бош мухаррир: Аббосхон УСМОНОВ

<u>Тахрир хайъати:</u> Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сузи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), III. Жабборов (бош мухаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), III. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухилдинов, М. Сафаров, Р. Фарходий, И.Худоёров, И. Шогуломов, О. Канпбергенов (бош мухаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. Хошимов.

> Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.



ваютя IBM компьютерида терилди ад операторлар Сергей НУКИН на Жампиод ТОГАЕВ томопидан сахифаланди.

Узбекистон Телерадиокомпанияси Узбекис-

тон радиосининг жамоаси Қорақалпогистон Рес-

публикаси буйича ўз мухбири Тулепберган

Емберген ХИДИРОВнинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия билди-

манзилимиз: 700000, TCII, Тошкент шахри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. Навбатчи котиб - А. Орипов Навбатчи мухаррир — О. Рахимов.

Корақалпогистон Республикаси Жуқорғи

Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Коракалпогис-

тон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси

ХАВО аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия из-

Тадбиримизга мархамат!

Амин Хамроевич Тожиевга онаси

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41. Босишга топшириш вакти-21.00 Босишга топширилди: 22.20



Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси